

Мунозара одоби



09:00 / 20.02.2023 2081

Оқил ва олим кишиларнинг мунозараси ёки бирор масала устидаги муноқашаси гўзал бўлади. Мунозара одобларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Ундай кишиларнинг белгилари шуки, улар:

- Керакли сўзларни гапирдилар. Сўзлари жомеъ-монеъ бўлади. Яъни, айтмоқчи бўлганлари маънони ортиқча сўзларсиз бироқ, етказилиши керак бўлган моҳиятни очиб бериш учун кифоя қиладиган жамловчи лафзлар воситасида тақдим этадилар. Нариги тараф ҳам оқил ва олим бўлгани учун бундан керакли маънони уқиб олаверади. Натижада, баҳс ва мунозара масаланинг негизи ва сулби атрофида айланади. Четга чиқиб, бошқа жойларга ўтлаб кетилмайди. Ёқалашиб, ҳақоратлашиб, иккинчи даражали нарсаларда тортишиб, тоғ четидан жаҳолат жарлигига қулаб кетилмайди;

- Бир-бирларига нисбатан аввалдан салбий кайфиятни шакллантириб олмайдилар. Зеро, бу асло мунозара ва муноқаша ҳисобланмайди. Балки, тўқнашув ва мужодала бўлади. Бундай руҳиятда суҳбатга киришган инсон қарши тарафнинг ҳақ сўзини ҳам олмайди. Ёки унинг ҳақ бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Пировардида, ҳақиқатни кўра олмайди. Манфаатсиз, совуқ мулоқот юзага келади.

- Тафаккурни ишлатадилар. Суҳбатдош нима демоқчи бўлаётганини англашга ҳаракат қиладилар.

- Улар шахсларни эмас, фикрларни муҳокама қиладилар. Арабларда «Ким айтаётганига боқма, нима деяётганига боқ» деган ҳикмат бор. Бу сўз Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга ҳам нисбат берилади. Яъни, сўзловчининг одми ҳоли, паст насаби, қўли калталиги ёки амали озлиги унинг сўзини қабул қилиб, ундаги ҳақиқат нуридан фойдаланишга тўсиқ бўлмаслиги керак. Зеро, илму ҳикмат мўминнинг йўқотиб қўйган нарсасидирки, қаерда топса ҳам уни олишга лойиқдир. Шу маънода ҳадиси шариф ҳам бор. Шундай экан, мўмин киши мудом ҳаққа толиб бўлади ва уни олишга ҳам ҳарис бўлади.

- Мунозарага киришишдан аввал унинг одобларини билиб олиш муҳим. Дастлаб, бирор масалада ўзаро иттифоқ қилинган нуқталарни аниқлаб олиш лозим. Токи, ихтилоф майдони кичрайсин. Чунки, мунозарадан мақсад ихтилоф жарлигини кенгайтириш эмас, балки фикрлар тафовутини камайтириш, дунёқарашларни яқинлаштириш бўлмоғи даркор.

- Шунингдек, мунозара асносида иккинчи тарафни қоралаб, обрўсизлантириш ҳамда улар эҳтиром қилган шахсларни истехзо қилиб, устидан кулишдан четланиш ва исломий одоб билан зийнатланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Зеро, мунозара орқали фикру қарашлар муноқашаси қасд қилинади, шахслар муҳокамаси эмас.

- Агар фитна ва фасодга йўл очадиган бўлса, тортишувдан тийилиш афзал.

Алишер Султонходжаев